

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПОЁНОВ ШЕРБЕК ТЎРА ЎҒЛИ

**ИШЛАТИЛГАН МОЙЛАРНИНГ ТЕХНИК КЎРСАТГИЧЛАРИНИ
ВА ХОССАЛАРИНИ ТИКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2024

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии
(PhD) по техническим наукам
Content of the dissertation abstract of doctor of Philosophy
(PhD) on technical sciences**

Поёнов Шербек Тўра Ўғли

Ишлатилган мойларнинг техник кўрсаткичларини
ва хоссаларини тиклаш технологиясини яратиш 3

Поёнов Шербек Тўра Ўғли

Разработка технологии восстановления технических
характеристик и свойств отработанного масла 21

Roynov Sherbek

Development of regeneration technology
initial properties of used oil 39

.

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 44

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ПОЁНОВ ШЕРБЕК ТЎРА ЎҒЛИ

**ИШЛАТИЛГАН МОЙЛАРНИНГ ТЕХНИК КЎРСАТГИЧЛАРИНИ
ВА ХОССАЛАРИНИ ТИКЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/T2602 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Тошкент Давлат техника университетида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ва «Ziyounet» ахборот таълими порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туробжонов Садриддин Махамаднорович
техника фанлари доктори, академик

Расмий оппонентлар:

Икромов Абдувахоб Икромович
техника фанлари доктори, профессор

Рахимов Тоир Зонорович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фаргона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил « 24 » 02 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй.) Тел.: (99871)244-79-20; факс (99871) 244-79-17.

Диссертация автореферати 2024 йил « ___ » _____ кунни тар қатилди.
(2024 йил « ___ » _____ даги № ___ рақамли рапорт бўлиб қолмаси).



Раҳмонбердиев Г.Р.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгашда
раёвчи к.ф.д., профессор

Қодиров Х.И.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий қотиби
т.ф.д., профессор

Икромов А.

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Мойларни эксплуатация қилиш жараёнларида таркибида оксидланиш маҳсулотлари ва бошқа ифлослантувчи чиқиндилар тўпланиб, уларни нефтни қайта ишлаш корхоналарида қайта ишлашнинг имкониятлари йўқ, чунки мой таркибига қўшилган присадкалар корхона қурилмаларини ишдан чиқишига сабаб бўлади. Ҳозирги вақтда фақатгина 17 - 19 % ишлатилган мойларнинг хусусиятлари қайта тикланиб, тўпланиб қолган ишлатилган мойловчи маҳсулотлар тупроқ-ер қатламининг ифлосланишига, ер майдони ва унинг таркибидаги фойдали компонентларнинг камайишига олиб келади. Тўпланиб қолган ишлатилган мойларни қайта ишлаш ва улардан қайта фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда жаҳонда ифлосланган ишлатилган мойларни регенерациялаш ва самарали фойдаланиш имкониятини берувчи маҳсулотларга қайта қўллашга қаратилган чуқур тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада мойларнинг ифлосланиш сабабларини аниқлаш, ишлатилган мойларнинг кимёвий таркибини, физик ва эксплуатацион хусусиятларини таққослаш, уларни кислотали, ишқорий ва селектив ҳамда адсорбентлардан фойдаланиб регенерациялаш технологияларини жадалаштириш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ифлосланган ишлатилган мойларни регенерациялаш ва тозаланган таркибни қайта ишлатишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш, ресурс ва энергия тежовчи усуллардан фойдаланиш, маҳсулот хавфсизлигини таъминлаш, импорт ўрнини босиш мақсадида рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулотларни ишлаб чиқариш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада таркиби майда дисперс заррачалар ва оксидланиш маҳсулотлари билан ифлосланган ишлатилган мойларни регенерациялаш технологияларини ишлаб чиқиш ва тозаланган мойларнинг мақсадли қўлланилиш соҳаларини яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сон «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 июлидаги ПҚ-309-сон «Нефт ва газ соҳасида таълим-ишлаб чиқариш кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60 «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида» фармони

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ишлатилган мойларнинг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини тиклаш жараёнлари самарадорлигини ошириш орқали регенерациялаш технологияларини такомиллаштириш бўйича F. Heras, D. Ximenez, N. Alonso, X. Томисава, P. Van Donkelaar, К.К. Панок, И.Г. Фукс, С.Б. Шибряе, И.Е. Зелькинд, И.Г. Фукс, С.Б. Шибряев, P. Baudouln, R. Benda, J. Bullen, A. Plomer, V. Wurzbarger, С.И. Крахмалев, В.Г. Мельников, В.А. Тыщенко, Г.Б. Фройштетер, Г.В. Виноградов, М.П. Юнусов, Б.Н. Хамидов, Г.Р. Нарметова, Ш.М. Саидахмедов, Ф.А. Абдурахмонова, С.Ф. Фозилова, Р.Б. Хожиева, З.В. Нуриллаева, Ф.Ф. Рўзиева, М.Н. Муродова, С.М. Туробжонов ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан мойларни қайта тозалаш технологиялари ва техника воситалари ҳамда мойларнинг сифатини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилган, чиқинди мойлар асосида техник суюқликлар олинган, графит қўшимчаларининг литий мойларининг хусусиятларига таъсири аниқланган, ишлатилган мойларни тозалаш бўйича тўлиқ ишлов берадиган қурилмалар тавсия этилиб, ишчи параметрлари асосланган.

Шу билан бирга, ишлатилган мойларни кислота-ишқор-адсорбент тизимли регенерациялашнинг комбинирланган усулларини тадқиқ қилиш билан юқори сифатли мойлаш материаллари олиш, чиқинди нефт маҳсулотларидан фойдаланиш ҳисобига таннархини пасайтириш, тозаланган мойларни қайта ишлатиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация тугалланган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Тошкент Давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170927346 «Оқова сувларни тозалаш учун поликоденсацион турдаги янги ионалмашинувчи полимерлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) ҳамда ФЗ-2020100739 «Таркибида О- ва N-сақловчи айрим органик бирикмаларни мақсадли синтез қилиш учун катализаторлар танлашнинг илмий асосларини яратиш» (2022-2024 йй.) мавзусидаги амалий ва фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ишлатилган мойларнинг дастлабки хоссаларини тиклаш технологиясини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мотор мойларини ифлосланиш сабабларини аниқлаш;

ишлатилган мойларни регенерациялашнинг термик ва кислотали фаоллаштириш ҳамда органик бирикмалар билан модификациялаш усулларини тадқиқ қилиш;

таркиби дисперс майда заррачалар ва оксидланиш маҳсулотлари билан ифлосланган мойларни бентонит ва вермикулит ёрдамида тозалашнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

табiiй алюмосиликатни комплекс ўрганиш ва унинг асосида ишлатилган мойларни регенерация жараёни талабларига жавоб берадиган самарали сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

ишлатилган мойларни комбинирланган усулларда регенерациялаш жараёнларини ўрганиш;

қайта ишланган техник мойларнинг сифатини баҳолаш ва жараёнларни амалга оширишнинг техник ва иқтисодий мақсадга мувофиқлигини асослаш;

ишлатилган мойларни самарали регенерациялаш ва қайта фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дисперс майда заррачалар ва оксидланиш маҳсулотлари билан ифлосланган ишлатилган мой, табiiй алюмосиликатлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ишлатилган мойни оксидланиш компонентларидан регенерациялаш технологияларини модификациялаш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда замонавий физик-кимёвий, кимёвий, статистик ва технологик тадқиқот усуллари (ИҚ-спектроскопияси, газ-суюқлик хроматографияси, элемент тахлиллари, хроматомасс-спектр)дан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий бентонит ва вермикулит хомашёсининг минералогик ва кимёвий таркиби аниқланиб, термик ва кислотали тозалаш ва фаолаштириш, пиридин билан модификациялаш орқали ишлатилган оксидланиш маҳсулотлари ва металллар билан ифлосланган мотор мойларини тозалашда фаол адсорбентлар эканлиги исботланган;

Тебинбулак кони вермикулити сорбцион юзасини модификациялаш ароматик хусусиятларга эга бўлган учламчи амин хусусиятли пиридин ҳалқаси билан амалга оширилиб, қатламлараро юзанинг шаклига гетероатом - азотдаги электронлар таъсир этиши, вермикулит юзаси бўйича тўлиқ ва текис қопланмай, турли ўлчамлардаги такрорланмас занжир ҳосил қилиши исботланган;

ишлатилган мотор мойларини ифлослатирувчи қўшимчалардан тозалаш сувсизлантириш, филтрлаш (механик аралашмалардан тозалаш), фракцион хайдаш, асфальт-смолали, жумладан карбон кислоталар, карбидлар, смолалардан эритувчилар ва адсорбентлар билан селектив тозалаш тизимда амалга оширилиб, оксидланиш маҳсулотларидан ҳамда металл ионларидан тозалашнинг икки босқичли тизими самарали эканлиги асосланган;

биринчи босқичда, термик ишлов бериш, кислота - асос шароитларида қайта ишлаш ва селектив эритувчи ацетон ёрдамида, иккинчи босқич адсорбентлар - фаолаштирилган бентонит, модификацияланган вермикулит ва бентонит-вермикулит композицион самарали тозалаш тизим асосланган;

ишлатилган мотор мойларини самарали регенерациялаш ва қайта фойдаланишнинг такомиллашган технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Навбахор бентонитини кислотали ва термик қайта ишлаш билан фаоллаштиришнинг мақбул параметрлари аниқланган;

Тебинбулоқ кони вермикулитини термик ва кислот-асосли тозалаш ва пиридин билан модификациялашнинг мақбул шароитлари аниқланган;

органик эритувчилар, фаоллаштирилган бентонит ва модификацияланган векрмикулитли адсорбентлар тизимида ишлатилган мотор мойларини тозалаш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги изланишларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситалардан фойдаланган ҳолда ўтказилганлиги, назарий ва экспериментал тадқиқотларнинг ўзаро адекватлиги, ишлатилган мотор мойларини тозаловчи қурилмада ўтказилган синовларнинг ижобий натижалари ва уни амалиётда жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлатилган мойларни термик, кислотали, ишқорий ҳамда органик эритувчилардан ацетон билан қайта ишлаш ҳамда бентонит-вермикулит билан адсорбциялаш тизимида тозалаш ва физик-кимёвий ҳамда эксплуатацион хусусиятларини қайта тиклашнинг илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ишлатилган мойларнинг комбинирланган термик - экстракцион - адсорбцион усулларда самарали тозалаш орқали қайта қўллашнинг такомиллаштирилган технологияни ишлаб чиқиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали йўқотишларни камайтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мотор мойларини оксидланиш маҳсулотларидан тозалаш қурилмасининг параметрлари ва иш режимини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

ишлатилган мойларни регенерациялаш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий қилиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Фарғона нефтни қайта ишлаш» заводининг 2023 йил 18 февралдаги 02-03-01/316-сон маълумотномаси). Натижада, таркибидаги механик аралашмаларни филтрлаш, вакуумда хайдаш орқали енгил учувчан углеводородлар фракциясини ажратиш, селектив эритувчи - ацетонда экстракциялаш тизимида ишлатилган мойнинг дастлабки хоссаларини тиклаш имконини беради;

эритувчи ва адсорбцион комбинирланган ишлатилган мойларни тозалаш технологияси Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг «2023-2025 йилларда амалиётга жорий қилиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Фарғона нефтни қайта ишлаш» заводининг 2023 йил 18 февралдаги 02-03-01/316-сон маълумотномаси). Натижада, экстракциялаш босқичининг газоил фракциясини ажратиш жараёндан дастлаб амалга оширилиш билан эритувчининг селективлигини янада ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 5 халқаро ва 3 республика илмий-техник анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий ишлар чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Олий Аттестация Комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этилиши тавсия қилинган илмий нашрларда, 6 та мақола, шундан 4 та республика, 2 та чет-эл журналларида нашр қилинган. Халқаро ва Республика илмий-амалий анжуманларда 8 та маъруза тезислари чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ҳамда зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, апробация ва натижаларнинг чоп этилганлиги ҳақидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишлатилган мотор мойларининг ифлосланиш сабаблари ва уларни тозалашнинг ҳозирги ҳолати**» деб номланган биринчи боби адабиётлар шарҳи бўлиб, жаҳонда ишлатилган мойларини тозалашнинг хемосорбцион, физик абсорбция ва комбинацияланган усуллари кенг қўлланилиб, тозалаш усулини танлаш, кўп ҳолларда ифлосланиш даражаси ва ифлослантирувчи таркиб, зарур даражадаги тозаланиш мейёрлари, мавжуд энергоресурсларнинг тури ва миқдори, атроф-муҳит муҳофазаси талабларига боғлиқ амалга оширилади. Ишлатилган мойларни тозалашнинг комплекс мақбул технологиясини тадқиқ этиш ва ишлаб чиқиш, ютувчи моддаларнинг сифатини яхшилаш, тозалаш агрегатлари унумдорлигини ошириш, шунингдек, ҳосил бўлган чиқиндиларни ундан кейинги фойдаланиш натижасида чиқиндисиз ёпиқ ишлаб чиқариш циклини таъминлашга имкон беради. Шундай қилиб, адабиётларни ўрганиш ишлатилган мойларни хоссаларини тиклаш ва улардан қайта фойдаланиш тадқиқотчилар олдида турган муҳим муаммолардан бири эканлигини кўрсатади.


Диссертациянинг «**Дастлабки хомашё ва олинган маҳсулотлар объектлари, физик-кимёвий таснифи ва уларни тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида қўлланилган бошланғич моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва уларни тузилишини аниқлашнинг тадқиқот усуллари келтирилган. Ишлатилган мойлар таркибидаги механик аралашмалар миқдорини «кўк лента» фильтри орқали филтрлашга асосланувчи, мойларни ифлослантирувчи компонент таркибини аниқлашнинг хроматографик оксидланиш маҳсулотларини аниқлашда газ хроматографияси, металл, металл оксидлари ва тузлар миқдорини аниқлашнинг титрометрик усуллари

фойдаланилган. Ишлатилган мойларни тозалашнинг уч органик эритувчиларда, термик ва комбинирланган усуллар баёнлари берилган, Навбахор бентонитини аморф қисмидан ажратишнинг самарали усули тавсифланган, вермикулитни кислота-ишқорий тозалаш ва пиридин билан модификациялаш ҳамда ишлатилган мойларни тозалашда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг «Ишлатилган мотор мойларини эритувчи таъсирида, адсорбцион ва комбинирланган тозалаш» номли учинчи бобда ишлатилган мотор мойларини тозалашнинг кимёвий усуллари - кислота-асосли қайта ишлаш ва селектив эритувчилар таъсирида тозалаш жараёнлари келтирилган.

Ишлатилган мотор мойларини ифлослатирувчи қўшимчалардан тозалаш сувсизлантириш, филтрлаш (механик аралашмалардан тозалаш), фракцион хайдаш, асфальт-смолали, шу жумладан карбон кислоталар, карбидлар, смолалардан эритувчилар ва адсорбентлар билан селектив тозалаш тизимда амалга оширилиб, аксарият тадқиқотларнинг ҳам илмий ҳам амалий янгилиги, янги турдаги селектив реагентлардан фойдаланиш билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, оксидланиш маҳсулотларидан ҳамда металл ионларидан тозалашнинг икки босқичли тизимлари танланиб, биринчи босқичда, термик ишлов бериш, кислота - асос шароитларида қайта ишлаш ва селектив эритувчи ацетон ёрдамида тозалаш усуллари ўрганилди. Иккинчи босқич адсорбентлар ёрдамида амалга оширилиб, бунда фаоллаштирилган бентонит, модификацияланган вермикулит ва бентонит-вермикулит композицион тизимларда тозаланади.

Ацетон иштирокида экстракциялаш билан ишлатилган мотор мойларини тозалаш 5 соат давомида амалга оширилди.




1-расм. Ишлатилган мотор мойларини тозалаш самарадорлигини эритувчида ацетон (1-5 соат) ва H_2SO_4 (8-12 соат) сақлаш давомийлигига боғлиқлиги

Ишлатилган мотор мойлари ацетон мақбул нисбатларини аниқлаш учун кўплаб тажрибалар ўтказилди ва унинг натижалари 2-расмда келтирилган.

Бу жараён кислота иштирокида амалга оширилганда ҳам кислота миқдорининг оритиши билан тозалаш самарадорлиги ортади.

Лекин шу билан бирга сульфат кислотанинг 10 % масс дан ортиқ миқдорда фойдаланилиши, тозаланган ишлатилган мотор мойлари таркибида олтингугурт сақланиш эҳтимолини оширади.



2- расм. Ишлатилган мотор мойларини тозалаш самарадорлигини ацетон (харорат 28 °С) ва сульфат кислота (харорат 70 °С) нисбатларига боғлиқлиги

Харорат доимий 24 °С бўлганда, ишлатилган мотор мойларига нисбатан ацетоннинг миқдори ортиб борган аралашмаларда тозалаш самарадорлиги ҳам ортиб боради, шу билан бирга бу кўрсаткич аралашманинг тиниш давомийлигига кам таъсир қилиши аниқланди ва ўртача 45 ± 5 дақиқани ташкил этади (3-расм).


Ацетон ÷ ишлатилган мотор мойи нисбати, % масс:

a) 10÷90; b) 20÷80; v) 30÷70; g) 40÷60; d) 50÷50

3-расм. Ацетон ÷ ишлатилган мотор мойи нисбатининг аралашма тиниш давомийлигига боғлиқлиги. Харорат 24 °С

Ацетон ва мотор мойининг турли нисбатларида, аралашманинг харорати 24 °С бўлганда ишлатилган мойни тиндириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бунда мойдаги ацетоннинг миқдори кўпайиши билан тозалаш самарадорлиги ҳам ортади. Бунда эксперимент йўл билан шу нарса аниқландики, тозалашдан максимал самара тинишнинг 45 - 60 дақиқаси давомида кутилади. Шунингдек, ацетоннинг миқдори 10 - 20 фоиз бўлганда

тинишга 20 дақиқада эришиш аниқланди. Худди шу самарага 30: 70 нисбатида, тинишнинг 45-дақиқасида эришиш мумкин.




Ацетон ÷ ишлатилган мотор мойи нисбати, % масс:

a) 10÷90; b) 20÷80; v) 30÷70; g) 40÷60; d) 50÷50

4-расм. Ифлосланишларнинг турли концентрацияларида тиниш вақтининг мой тозаланиш самарадорлигига боғлиқлиги

Мотор мойининг концентрациясида ишлатилган мойни тиндириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатади-ки, мойни тозалаш самарадорлиги яхшиланди. Кўплаб тажрибалар орқали шу нарса аниқланди-ки, тозалашдан максимал самара 0,01% тинишнинг 10-15 дақиқаси давомида кузатилади. Шунингдек, мой ифлосланишнинг концентрацияси 80 % да, 40 дақиқали тинишда, тозалашга эришиш аниқланди. Худди шу самарага, ифлосланишнинг концентрацияси 30: 70 нисбатда, тинишнинг 43-дақиқасида эришиш мумкин.



5-расм. Аралашманинг тозалаш самарадорлигининг ҳароратга боғлиқлиги (аралашма таркиби 30:70)

Аралашманинг тозалаш самарадорлигини ҳароратга боғлиқ графиги шуни кўрсатадики ҳарорат ортиши билан тозалаш самарадорлиги ҳам ошиб, аралашма ҳарорати 53 °С да тозалаш самарадорлиги максимал даражага етади ва 92 % ни ташкил этади, ҳарорат 55 °С дан оширилиши билан тозалаш самарадорлиги 30 % гача кескин тушади ва буни ацетоннинг буғланиши билан асослаш мумкин.

Шундай қилиб, тозаланган мойнинг ранг кўрсаткичидан ташқари барча кўрсаткичлар қўйилган талабларга тўла жавоб беради. Тозаланган мой рангининг паст бўлишига асосий сабаб мой таркибида мустаҳкам бириккан органик моддалар ажралиши мураккаблиги ҳисобланади. Бу моддалардан тўла тозалаш учун мойни қайтадан узоқ муддат эритувчи билан аралаштириш талаб қилинади. Тадқиқотлар олиб борган олимларнинг фикрича бу кўрсаткич двигателнинг емирилиш жараёнига катта таъсир кўрсатмайди. Шу муносабат билан тозаланган мойни двигателда қайта ишлатиш мумкин.

Кимёвий - кислота асосли ва эритувчи билан ишлов берилган ишлатилган мотор мойи филтёрлаб олингандан сўнг бентонит ва вермикулитли адсорбцион тозалашга юборилади. Адсорбцион жараён самарадорлигини ошириш мақсадида бентонит ва вермикулит дастлабки тозалаш ҳамда фаоллаштириш босқичидан ўтказилди. Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, бентонит ва вермикулит сорбентлари аралашмасидан фойдаланиш тозаланувчи мой таркибида металл ионларининг қолишини олдини олади ва мойнинг шаффоф, тиниқ ва оч рангларда бўлишини таъминлайди. Бентонит ва вермикулитни тозалаш ва активлаш таркибида магний, темир, алюминий оксидларининг эриши ва бунинг ҳисобига SiO₂ миқдорининг ортишига олиб келувчи, бунда адсорбентнинг ютиш фаоллиги ошиши билан бирга адсорбент қатламидан қовушқоқлиги юқори бўлган ишлатилган мойнинг ўтиш тезлигини ҳам ошириш имконини берувчи, кислота-асосли ва термик қайта ишлаш билан олиб борилади.

Ишлатилган мойларни бентонит-вермикулит усули билан адсорбцион тозалаш, сорбент гранулаларнинг ташқи юзасида ва ички капиллярларига - ғовақларига кириб борадиган мойни ифлослантирувчи моддаларни ушлаб қолиш қобилиятидан фойдаланишга асосланади. Бентонит Навоий вилоятининг Навбахор конидан, вермикулит эса Қорақалпоғистон Республикасидаги Тебинбулоқ конларидан олинди, бунда бу турдаги хомаёшнинг нисбатан арзонлиги, мавжудлиги ҳисобга олинди ва ишлатилган мой таркибидаги углеводородларнинг оксидланиш маҳсулотлари - смолалар, гетероциклик бирикмалар ва бошқаларни яхши адсорбциялаш қобилияти билан белгиланади.

Тадқиқотларда Тебинбулак кони вермикулитини кимёвий қайта ишлаб сорбцион фаоллигини ошириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Кимёвий фаоллаш учун термик ишлов берилган кўпчитилган намуналар танлаб олинди. Кимёвий ишлов бериш нитрат ва сульфат кислота аралашмаси билан олиб борилди ва кислота муҳитида ишлов берилган вермикулит намуналарини таҳлил қилиш натижасида, вермикулит таркибидаги магний, темир, алюминий оксидлари эритма ҳолатига ўтиши билан кремний оксидининг миқдори нисбатан ошганлигини кўрсатади (1-жавдал).

Нитрат ва сульфат кислота билан ишлов берилган вермикулит кимёвий таркибининг ўзгариши

HNO ₃ :H ₂ SO ₄ нисбати	Miqdori, % quruq moddaga										
	SiO ₂	Al ₂ O ₃	Fe ₂ O ₃ + FeO	CaO	MgO	Na ₂ O	K ₂ O	P ₂ O ₅	SO ₃	CO ₂	H ₂ O
0	60,3	16,8	6,6	1,1	3,2	3,6	2,4	0,2	0,3	0,1	9,2
5:5	68,8	10,11	5,4	0,7	1,9	2,06	1,24	0,1	0,2	0,06	6,7
10:10	72,2	0,08	2,8	1,2	1,1	0,05	2,94		0,06	13,1	

Жадвалдаги маълумотлардан кўринадикки, HNO₃:H₂SO₄ нисбати 10:10 бўлган кислотали фаоллаштириш даврида вермикулит таркибидаги магний оксиди миқдори 3,2 дан 1,1 фоизгача камайиши билан, кремний оксидининг миқдори 60,3 дан 72,2 фоизгача ортиши кузатилади. Шу билан бирга кислотали фаоллаштириш вақтида таркибидаги сув миқдори ошиб, 24 %гача етишини ҳисобга олсак, қурилтилгандан сўнг кремнеземнинг миқдори максимал қийматларга етишини кузатиш мумкин бўлади.

Шунингдек, кимёвий фаоллаштиришдаги кислота концентрациясининг вермикулит адсорбцион хусусиятларига боғлиқлиги ўрганилди (2-жадвал).


2-жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, кимёвий фаоллаштириш орқали максимал қийматли таъсир юзага эга сорбент олиш учун Тебинбулак кони вермикулитини HNO₃:H₂SO₄ ÷ 5:5 нисбатларида, 60 - 90 дақиқа чегарасида қайта ишлаш мақбул ҳисобланади.

Сульфат кислота концентрациясининг вермикулит зичлиги ва солиштирма хажмга боғлиқлиги

HNO ₃ :H ₂ SO ₄ нисбати	Солиштирма ҳажми, Å	Сорбция, мг/г		Зичлиги, г/см ³	Сув миқдори (ТГА), %	Микроғоваклар юзаси, г/м ²	Микроғоваклар ҳажми см ³ /г
		асос	кислота				
0	281.0	35.4	7.21	1.602	0.178	1.27	0.017
2:2	237.1	47.9	4.03	1.441	0.471	2.19	0.022
5:5	211.5	80.3	1.40	1.251	0.849	3.52	0.029
8:8	247.2	101.5	1.92	1.277	0.697	4.97	0.038
10:10	271.5	174.0	2.11	1.298	0.506	6.34	0.042

Паст концентриядаги кислоталар нисбатлари билан қайта ишланган сорбент намуналарининг солиштирма хажми кичик бўлиб, ионларнинг фақатгина вермикулитнинг қатламлараро бўшлиқларида ютилиши ҳисобига сорбцион хусусиятлари паст бўлиши кузатилди. Кислота аралашмаси концентрациясини янада ошириш билан эса сорбент зичлиги ҳамда ички солиштирма ҳажми ортиши аниқланиб, алюминий ва темир ионларининг кўпроқ сорбцияланишига сабаб бўлади, ва бу билан силикат қатламининг зичлашувчига олиб келади. Сорбент зичлигининг ортиши эса ишлатилган мотор мойларини сорбентдан ўтиш тезлигини пасайишига сабаб бўлади.


Тебинбулак кони вермикулитини кислотали фаоллаштирилгандан кейинги рентгенодифрактограммаси олиниб, адсорбция механизми бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди (6-расм).



6-расм. Кислотали фаоллаштирилган Тебинбулак кони вермикулитининг рентгенодифрактограммаси

Кислотали фаоллаштирилган Тебинбулак кони вермикулитининг рентгенодифрактограммасидан кўринадикки, унинг таркиби асосини формуласи $(Mg,Fe,Al)_6(Si,Cr)_4O_{10}(OH)_8$ бўлган калий оксиди минимал миқдорларга сув эса аксинча минимал миқдорларда сақланувчи, қўнғир слюда парчаларидан иборат кочубеит ташкил этади. Шу билан бир қаторда активланган вермикулит таркибидаги катионларнинг бир қисми йўқотилиб, бунинг натижасида кварц ва хлорит кристаллари ҳамда кальцит концентрацияси ортади.

Тадқиқотлар давомида дастлабки ишлов берилмаган ва кислотали фаоллаштирилган вермикулитда рух ионларининг сорбцияси ўрганилди (7-расм).



7-расм. Ишлов берилмаган (А) ва кислотали фаоллаштирилган (Б) вермикулитда рух ионлари сорбцияси изотермаси

Дастлабки табиий вермикулит намуналаридаги металл ионларининг адсорбция изотермаси Ленгмюр изотермасига мос бўлиб, фаоллаштирилган намуналардан пастда жойлашади ва бу билан барча фаол марказлар ва сорбент ғовақлари металл ионлари билан тўлмаганлиги исботланади.

Тебинбулак кони вермикулитини пиридин билан модификациялаш. Тебинбулак кони вермикулити таъсир юзаларини кимёвий қайта ишлаш билан модификациялаш мақсадида термик ва кислотали ишлов берилган намуналар азотгетроатомли гетроциклик бирикмалар билан интеркаляциялаш жараёнлари ўрганилди.

Тадқиқотлар аввалида катионларнинг адсорбцияланиши, десорбцияланиши ва интеркаляцияси минерал таъсир юзасининг физик-кимёвий ҳолати билан боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, Тебинбулак кони вермикулити таъсир юзасининг тузилиши ўрганилди.

Тебинбулак кони вермикулити сорбцион юзасини модификациялаш ароматик хусусиятларга эга бўлган учламчи амин хусусиятли пиридин ҳалқаси C_5H_5N билан амалга оширилди.

Вермикулитни пиридин ҳалқаси билан модификациялаш тузилишини қатламлар бўйича вертикал йўналишда кўпчишини кенгатириш билан боғлиқ. Clays and clay minerals илмий журналида чоп этилган «Intercalation and grafting of vermiculite with octadecylamine using low-temperature melting» деб номланган илмий мақола муаллифлари, органик молекула таркибидаги углеродлари сонининг ортиши билан қатламлараро масофа ҳам ортиб борадишини эътироф этадилар. Кўпчиш тезлиги ва интенсивлиги модификациялаш мақсадида олинган органик молекуланинг тузилиши билан бирга, қатламлараро жойлашуви, концентрацияси ва реакция давомийлиги билан боғлиқ бўлади. Шуларни ҳисобга олиб модификациялаш 8, 16, 24 соат давомида 80 - 100 °С ҳароратлар чеграсида, вермикулит: пиридин 1: 2 ÷ 1: 4 нисбатларида ўрганилди.

Пиридин билан модификацияланган сорбентнинг сорцион хусусиятлари юқори бўлиши, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, вермикулит юзаси бўйлаб тўлиқ ва текис-гомоген нонақатлам ҳосил қилиб қопланмай, ўлчамлари ва шакли бўйича бир-бирига ўхшамаган такрорланмас каналлар ҳосил қилади. Модификатор пиридин ҳосил қилган шакллар ва уларнинг юзадаги жойлашуви вермикулит юзасидаги электронларнинг турлича тақсимланишини ва юзанинг наноўлчамларда бўлишини таъминлайди. Вермикулитнинг паст ҳароратлар 80 - 90°Сда дегидратланиши исботланган бўлиб, ушбу жараён нафақат қатламлараро тузилишининг қисман бузилиши, балки қатламлараро масофанинг 15,43 Å дан 14,78 Å гача қисқариши билан юза структурасининг ўзгариши ҳам кузатилади. Агар вермикулит юзасида кўплаб бўртқ тангачалар бўлмаса, бу юза пиридин билан текис қопланиши мумкин бўлади.

Бентонит-вермикулит комбинирланган сорбентда ионларнинг сорбцияланиш механизмини қуйидаги икки йўналишда тасаввур қилиш мумкин: металл ионларининг манфий зарядга эга текис юзалардаги катион алмашинув реакциялари ёки сорбент заррачалари фаол марказлари билан ичкисферик комплекслар ҳосил бўлиши орқали.

Ишлатилган мотор мойларидан ифлослантирувчи бирикмаларни бентонит-вермикулит сорбентда адсорбцияланиш механизми мураккаб бўлиб, композицион сорбентнинг фаол юзаси ҳамда сорбцияланувчи бирикма орасидаги молекулалараро таъсир ҳамда кўзғолмас нуқтавий зарядларнинг электрстатик таъсир кучлари билан асосланади. Металларнинг ионли минерал тузилишли қутбланган сорбентларда адсорбцияланиш жараёнида сорбентнинг кимёвий табиати муҳим ҳисобланади. Қаттиқ юзада, таъсирлашаётган юза билан бир турдаги ёки унга изомер бўлган атомлар гуруҳи бўлсагина ионлар адсорбцияланади, шу билан бирга хелатлар орқали донор-акцептор комплекслар кислород атоми донор, металл ионлари акцептор ҳолатида вужудга келади.

Кимёвий қайта ишланиб, филтрлангандан сўнг ишлатилган мотор мойи таркибида қолган металллар миқдори 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Ишлатилган ва қайта ишланган мотор мойи элементлар таҳлили

Sample ID	Acquisition Time	Cr 52 (mg/kg)	Zn 66 (mg/kg)	Cd 111 (mg/kg)	Ba 137 (mg/kg)	Pb 208 (mg/kg)	Bi 209 (mg/kg)
1	11.10.2022 17:23:38 pm	4.296	225.557	0.09	8.17	9.142	0.001
2	19.10.2022 17:27:13 pm	4.780	211.84	0.12	8.19	10.029	0.004
Ўртача	19.10.2022 17:31:47 pm	4.538	218.699	0.105	8.18	9.5855	0.0025

3-жадвалдан кўринадикки, ишлатилган мотор мойи таркибида хром, рух, кўрғошин ва барий каби металллар кўп сақланади. Шунинг учун ҳам бентонит-вермикулит комбинирланган системадан мотор мойларини ўтказишдаги таъсир вақти 1 соат деб мақбул қилиб белгиланди.

Тозаланган ишлатилган мотор мойларининг физик-кимёвий таркиби таҳлиллари. Бентонит-вермикулит комбинирланган системаларда экстракцион ишлов берилган ишлатилган мотор мойларини тозалаш бўйича тўпланган маълумотлар куйидаги 4-жадвалда берилган.

4-жадвал

Тозаланган ишлатилган мотор мойларининг физик-кимёвий хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Ишлатилган мотор мойлари		Тозаланган ишлатилган мотор мойлари		Ишлатилмаган мотор мойлари	
	№1	№2	№1	№2	№1	№2
Қовушқоқлиги, мм ² /с						
- 40 °С	60.59	59.74	69.51	67.27	92.21	90.7
- 100°С	9,52	9.57	12.42	10.98	13.99	14.6
Механик қўшимчалар миқдори, % дан кўп эмас	0.087	0.072	0.016	0.023		
Сув миқдори, % дан кўп эмас	0.05	3.45				
Чакнаш харорати, °С	190	205	205	217	200	208
Қотиш харорати, °С дан кўп эмас	-23	-22	-29	-30	-40	-40
Зичлиги, кг/м ³ дан кўп эмас	880	882	875	877	861.4	863
Таркиби (мг/кг):						
Олтингугурт	0.3238	0.3442	0.2432	0.2156	0.2312	0.2096
Этилбензол	11.8	20.3	0.289	0.345		
Толуол	136	324				
ксилол	584	635				
Таркиби (мг/кг):						
кўрғошин	21.16	10.69	0.98	0.89	0.16	0.18
рух	402.96	387.56	140.99	138.25	139.04	138.18
алюминий	57.94	41.36	12.65	11.03	12.70	10.96
кальций	171.94	203.12	67.54	63.41	65.88	61.54
магний	436.12	440.96	124.36	122.15	164.41	120.18
мис	37.85	32.48	3.54	3.03	1.04	1.48
хром	18.26	7.95	2.89	2.18	2.09	3.31
кадмий	0.51	0.12	0.05			
барий	13.89	3.45	4.91	1.03	0.94	0.87

ГОСТ 10541 «Универсал ва карбюраторли автомобиль двигателлари учун мотор мойлари» бўйича мотор мойларининг физик кимёвий хусусиятлари бўйича қатор талаблар қўйилган бўлсада, металл ионлари ва органик қўшимчалар бўйича мейёрланмаган. Шунинг учун тозаланган ишлатилган мотор мойларининг таркибидаги металл ионлари ва органик қўшимчаларнинг микдорий чегаралари ишлатилмаган мотор мойларининг таркиби билан таққослаб ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ишлатилган ва ишлатилмаган мотор мойларининг физик кимёвий хусусиятлари бўйича таққослаш натижалари 5-жадвалда берилган.

Таққикот натижаларидан шуни кўриш мумкинки, тозаланган мотор мойлари стандарт талабларга мос келади: чакнаш ва қотиш хароратлари ишлатилмаган мотор мойлари кўрсаткичларидан кўп фарқ қилмайди; таркибидаги металл ионларининг микдорлари ҳам бир-бирига яқин бўлиб, максимал 5 % дан ортиқ фарқ қилмайди. ишлатилган ва ишлатилмаган мотор мойлари физик кимёвий кўрсаткичларини таққослаб, ГОСТ талаблари мейёрларини ўрганиб, зарурий присадкалар қўшилгандан сўнг қайта фойдаланишга тавсия этилишини ҳулоса қилиш мумкин.

5-жадвал

Ишлатилган ва ишлатилмаган мотор мойларининг физик кимёвий хусусиятлари бўйича таққослаш кўрсаткичлари ва ГОСТ бўйича мейёрлари

Кўрсаткичлар	Мейёрий хужжат, аниқлаш усуллари	Мейёрлар	Амалда
40 °C даги кинематик қовушқоқлиги, мм ² /с	ГОСТ 33-2000	-	69.51
100 °C даги кинематик қовушқоқлиги, мм ² /с	ГОСТ 33-2000	9.3-12.5	12.42
Механик қўшимчалар, %	ГОСТ 6370-83	<0.2	0.016
Сув микдори, %	ASTME 2412-10	излари	излари
Ёпиқ тигелдаги чакнаш харорати, °C	ГОСТ 6356-75	215	205
Қотиш харорати, °C	ГОСТ 20287-91	-40	-30
20 °Cдаги зичлиги, кг/м ³ , дан ошмасин	ГОСТ 3900	0.890	0.875


Диссертациянинг «Ишлатилган мойларни тозалаш технологияси» деб номланган тўртинчи бобида ишлатилган мотор мойлари хусусиятларини қайта тиклаш учун тавсия этилаётган технологик тизим 8-расмда келтирилган. Технологик тизим даврий амалга оширилиб, белгиланган қувватларда олиб борилади ва ишлатилган мотор мойини даставвал механик аралашмалардан филтрлаш орқали тозалаш, асфальт-қатронли бирикмалардан эритувчи билан ювиш, сўнгра фаоллаштирилган бентонит ва модификацияланган вермикулит билан адсорбцияланишга асосланади.

Технологик ечимга ишлатилган ва ифлосланган мотор мойларини комбинирланган усулни қўллаш билан эришилиб, истемолда бўлган мотор мойларини сифатини қайта тиклаш орқали бартараф этиш билан экологик муаммоларнинг ечимини топишга асосланади.

Ишлатилган мотор мойларини хусусиятларини қайта тиклаш технологик тизими 8-расмда берилган.

Ишлатилган мотор мойи S1 сиғимдан F2 филтр орқали ўтказилиб, механик аралашмалардан тозаланади. Сўнгра аралашма эритма сув ва механик майда заррачалардан ажратиш учун марказга интилувчи TS4 центрифугага

берилади. Барабанга жиҳозланган конуссимон тарелкаларнинг интенсив айланиши натижасида ҳосил бўлувчи марказдан қочма куч таъсирида сув ажратилади. Сувдан ва механик аралашмалардан тозаланган ишлатилган мой В3 аралаштиргичга юборилади. В3 аралаштиргичга, шунингдек, органик эритувчи ацетон ҳам берилиб, интенсив аралаштириш давом эттирилади. Аралаштиргичнинг қуйи қисмидан барботаж ёрдамида ҳаво кислород узатиш ҳам режалаштирилади ва бу орқали нефт маҳсулотининг қовушқоқлигини қисман камайтириш билан эритувчи-эритма аралашуви таъминланади. 5 соат давомида аралаштирилган эритма 30 - 60 минут тиндириш учун сақланади ва сўнгра, тиндиргичнинг пастки қисмида йиғилган дастлабки тозаланган мотор мойи адсорбцион ажратиш учун тизимнинг иккинчи босқичига юборилади, эритувчи ацетон эса ректификацион колоннада тозаланиб, қайта циклга ўтказилади.



8-расм. Ишлатилган мотор мойларини комбинацион усулда тозалаш технологияси: S1- ишлатилган мотор мойи учун сиғим; F2 - фильтр; TS3 - центрифуга; M4 - аралаштиргич; S5 - ацетон учун сиғим; НК6 - ҳаво компрессори; T7 - тиндиригич; A8 - адсорбер; Y9 - тозаланган мотор мойлари учун йиғич

Яримтозаланган ишлатилган мой технологик тизимнинг иккинчи қисми - адсорбцион тозалаш бўлимига юборилади. Бунинг учун ишлатилган мотор мойлари фаоллаштирилган бентонит ва модификацияланган вермикулит юкланган адсорберлардан ўтказилади. Сўнгра тозаланган мотор мойлари тизимдан чиқарилиб, маҳсулот омборига юборилади.

Ишлатилган мотор мойларини дастлаб эритувчиларда кимёвий ишлов бериш ва сўнгра бентонит-вермикулитли адсорбентлардан ўтиказишга асосланувчи комбинацион усулда тозалаш технологияси универсал технология бўлиб, ҳар хил турдаги ишлатилган мотор мойларини тозалаш имкониятларини бериб, экологик тоза, кам энергия талаб қилувчи, арзон технология ҳисобланади.

Хулосалар

1. Тадқиқотлар давомида ишлатилган мотор мойларини тозалашнинг кимёвий усуллари - кислота-асосли қайта ишлаш ва селектив эритувчилар таъсиридаги тозалаш технологиялари тавсия этилган.

2. Ишлатилган мотор мойларини ифлослатирувчи қўшимчалардан тозалаш сувсизлантириш, филтрлаш (механик аралашмалардан тозалаш), фракцион хайдаш, асфальт-смолали, шу жумладан карбон кислоталар, карбидлар, смолалардан эритувчилар ва адсорбентлар билан селектив тозалаш тизимда амалга оширилиб, аксарият тадқиқотларнинг ҳам илмий ҳам амалий янгилиги, янги турдаги селектив реагентлардан фойдаланиш билан боғлиқлигини ҳисобга олиб, оксидланиш маҳсулотларидан ҳамда металл ионларидан тозалашнинг икки босқичли тизимлари танланиб, биринчи босқичда, термик ишлов бериш, кислота - асос шароитларида қайта ишлаш ва селектив эритувчи ацетон ёрдамида тозалаш, иккинчи босқич адсорбентлар ёрдамида амалга оширилиб, фаоллаштирилган бентонит, модификацияланган вермикулит ва бентонит-вермикулит композицион тизимларда тозалаш технологиялари тавсия этилган.

3. Тозаланган мойнинг ранг кўрсаткичининг мейёрлар билан мос эмаслиги, мой таркибида мустаҳкам бириккан органик моддалар ажралиши мураккаблиги, бу моддалардан тўла тозалаш учун мойни қайтадан узок муддат эритувчи билан аралаштириш талаб қилиниши изоҳланди.

4. Адсорбцион жараён самарадорлигини ошириш мақсадида бентонит ва вермикулит дастлабки тозалаш ҳамда фаоллаштириш босқичидан ўтказилди; бентонит ва вермикулит сорбентлари аралашмасидан фойдаланиш тозаланувчи мой таркибида металл ионларининг қолишини олдини олади ва мойнинг шаффоф, тиниқ ва оч рангларида бўлишини таъминлайди.

5. Бентонит ва вермикулитни тозалаш ва активлаш таркибида магний, темир, алюминий оксидларининг эриши ва беннинг ҳисобига SiO_2 миқдорининг ортишига олиб келувчи, бунда адсорбентнинг ютиш фаоллиги ошиши билан бирга адсорбент қатламидан қовушқоқлиги юқори бўлган ишлатилган мойнинг ўтиш тезлигини ҳам ошириш имконини берувчи, кислота-асосли ва термик қайта ишлаш билан олиб борилган.

6. Тозаланган мотор мойлари таркибида қолган металллар масс-спектр қилинганда нафақат мотор мойларини ифлослантирувчи рух, кўрғошин, хром, кадмий, барий каби металл ионларининг, балки мотор мойларининг сифатига таъсир қилувчи ва турли присадкалар таркибида қўшилувчи магний, алюминий ва мис каби металлларнинг ҳам камайишини кўрсатади.

7. Тадқиқот натижаларидан шуни кўриш мумкинки, тозаланган мотор мойлари стандарт талабларга мос келади: чакнаш ва қотиш хароратлари ишлатилмаган мотор мойлари кўрсаткичларидан кўп фарқ қилмайди; таркибидаги металл ионларининг миқдорлари ҳам бир-бирига яқин бўлиб, максимал 5 % дан ортиқ фарқ қилмайди. Ишлатилган ва ишлатилмаган мотор мойлари физик кимёвий кўрсаткичларини таққослаб, ГОСТ талаблари мейёрларини ўрганилиб, зарурий присадкалар қўшилгандан сўнг қайта фойдаланишга тавсия этилишини ҳулоса қилиш мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ПАЁНОВ ШЕРБЕК ТУРАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ВОССТАНОВЛЕНИЯ
ТЕХНИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК И СВОЙСТВ
ОТРАБОТАННОГО МАСЛА**

02.00.08 - Химия и технология нефти и газа

АВТОРЕФЕРАТ

ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК

Ташкент - 2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан под номером B2022.1.PhD/T2602

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tkti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Туробжонов Садриддин Махаммадинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Икрамов Абдувахоб Икрамович
доктор технических наук, профессор

Рахмонов Таир Заирович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: Ферганский Политехнический институт


Защита диссертации состоится « 24 » 02 2024 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёной степени DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. Навоий, 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № _____ (Адрес: 100011, г. Ташкент, ул. Навоий, 32. Тел.: (+99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан « _____ » _____ года.
(протокол-реестра рассылки № _____ от _____ 2024 года.)




Рахмонбердиев Г.Р.
Председатель Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.х.н., профессор


Кодиров Х.И.
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученой степени,
д.т.н., профессор


Икрамов А.
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степени, д.т.н. профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В процессах эксплуатации масел накапливаются продукты окисления и другие загрязняющие отходы, которые не возможно перерабатывать на нефтеперерабатывающих заводах, поскольку частицы, добавляемые в нефть, приводят к выходу из строя оборудования завода. В настоящее время восстанавливается лишь 17 - 19 % отработанных масел, накопленные отработанные смазочные материалы приводят к загрязнению почвенного слоя, уменьшению площади земель и ее полезных компонентов. Важное значение имеет переработка и повторное использование накопившихся отработанных масел.

Сегодня в мире проводятся глубокие исследования, направленные на регенерацию загрязненных отработанных масел и повторное использование их в продукцию, обеспечивающую эффективное использование. В связи с этим, особое внимание уделяется определению причин загрязнения масел, сравнению химического состава, физических и эксплуатационных свойств отработанных масел, ускорению и отработке технологий их регенерации с использованием кислотных, щелочных и селективных, а также адсорбатов.

В Республике особое внимание уделяется регенерации загрязненных отработанных масел и повторному использованию очищенного содержимого, достигаются определенные научные результаты. Стратегия развития нового Узбекистана определяет важные задачи «развития производственных сетей, модернизации и диверсификации промышленности, использования ресурсо- и энергосберегающих методов, обеспечения безопасности продукции, производства конкурентоспособной и экспортной продукции для замещения импорта»¹. В связи с этим актуально проведение научно-исследовательской работы по разработке технологий регенерации отработанных масел, загрязненных мелкодисперсными частицами и продуктами окисления, и созданию целевых областей применения рафинированных масел.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года № УП-60 «О Стратегии развития Нового Узбекистана», № ПП-4891 от 6 апреля 2017 года «О критическом анализе объема и состава товаров (работ, услуг), углублении локализации импортозамещающего производства» и Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-309 Президента Республики Узбекистан от 7 июля 2022 года «О мерах по созданию образовательно-производственного кластера в нефтегазовой сфере», ПП-4265 Президента Республики Узбекистан от 3 апреля, 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности», а также других нормативно-правовых документов, принятыми в данной сфере.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 28 января 2022 года УП-60 «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022-2026 годы»

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики Узбекистан VII. «Химическая технология и нанотехнология».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по совершенствованию технологии регенерации за счет повышения эффективности процессов восстановления физико-химических и эксплуатационных свойств отработанных масел велись учеными как F. Heras, D. Ximenez, N. Alonso, X. Томисава, P. Van Donkelaar, К.К. Панок, И.Г. Фукс, С.Б. Шибряе, И.Е. Зелькинд, И.Г. Фукс, С.Б. Шибряев, P. Baudouln, R. Venda, J. Bullen, A. Plomer, B. Wurzbarger, С.И. Крахмалев, В.Г. Мельников, В.А. Тыщенко, Г.Б. Фройштетер, Г.В. Виноградов, М.П. Юнусов, Б.Н. Хамидова, Г.Р. Нарметова, Ш.М. Саидахмедов, Ф.А. Абдурахмонова, С.Ф. Фозилова, Р.Б. Хожиева, З.В. Нуриллаева, Ф.Ф. Рузиева, М.Н. Муродова, С.М. Туробжонов и др.

Ими проведены исследования по технологиям и техническим средствам доочистки масел, а также повышению качества масел, получены технические жидкости на основе отработанных масел, определено влияние графитовых присадок на свойства литиевых масел, рекомендованы комплексные технологические устройства для очистки отработанных масел, обоснованы рабочие параметры.

